20___ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 46 (46), 2020 йил 27 март, жума

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ:
ШИФОКОРЛАРНИНГ ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТИ, МЕҲНАТИ — ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари ушбу масала бўйича халқимизга яна бир бор мурожаат қилди:

– Бугунги кунда бутун дунё, инсоният оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Коронавирус инфекцияси 190 дан зиёд мамлакатга тарқалиб, пандемияга айланди. Афсуски, ушбу касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади.

Шу сабабли, Бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тузилиб, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

Пандемияга қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш учун жамғармага 10 триллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Бу офатдан халқимизни асраш бўйича мамлакат миқёсида таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Хусусан, касаллик аниқланган илк кунданоқ барча таълим ва диний муассасалар фаолияти, халқаро ва ички жамоат транспортлари қатнови тўхтатилди.

Одамлар гавжум бўладиган жойлар, хусусан, барча буюм бозорлари, умумий овқатланиш шохобчалари вақтинча ёпилди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотлар ходимларига таътил берилиб, масофавий ишлашга ўтказилмоқда.

Мамлакатнинг барча тиббиёт муассасалари кучайтирилган иш режимига ўтказилиб, 11 та тиббиёт муассасаси ва 97 та сиҳатгоҳ, оромгоҳ ва ётоқхоналар карантинга ихтисослаштирилди.

Ушбу вирусли инфекцияни жиловлаш, тарқалишининг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш мақсадида уй шароитида 80 мингга яқин, стационарда 12 минг нафар фуқаро карантинга олинган.

Пандемияга қарши курашиш бўйича 100 минг атрофида тиббиёт ходимлари мобилизация қилиниб, уларга ҳокимиятлар, ички ишлар тизими, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари яқиндан кўмаклашмоқда.

Шунингдек, хориждаги фуқароларимизни қайтариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Дастлаб уларни Хитойдан эвакуация қилган бўлсак, ҳозирда барча давлатлардан олиб келинмоқда.

Хориждаги ҳамма дипломатик ваколатхоналаримизда штаблар ташкил этилган. Охирги 10 кун ичида 20 та чартер рейслар амалга оширилди. Россия, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Ҳиндистон, Таиланд, Индонезия ва Германиядан тўрт мингга яқин фуқароларимиз олиб келинди, қўшни давлатлар билан чегараларимиздан 80 мингдан ортиқ ватандошларимиз ўтказилди ҳамда юртимизда ташкил этилган профилакторий, санаторий ва бошқа шифо масканларида карантинга олинди.

Бундан ташқари, дипломатик миссияларимиз Россия, Хитой, Сингапурдан экспресс-тестлар, тиббий анжомлар ва гуманитар юкларни олиб келиш бўйича амалий ишларни бажармоқда, илғор давлатларнинг етакчи ва тажрибали мутахассисларини жалб этиш бўйича саъй-ҳаракатлар кучайтирилди.

Бир нарсани аниқ тушуниб олиш лозим. Бизда аниқланган касаллар сони кам-ку, 100 тага ҳам етмайди, хавотирга ўрин йўқ, деб хотиржам бўлиш хиёнат ҳисобланади.

Чунки, коронавирус менга юқмайди деб бефарқ юрганлар нафақат ўзининг, балки ота-онаси, фарзандлари, атрофидагилар, қолаверса, бутун халқимизнинг соғлиги ва ҳаётини катта хавфга қўйишини чуқур англаб етиши керак.

Давлат томонидан кўрилаётган чоралар одамларимизнинг касалликни юқтириб олиш эҳтимолини имкон қадар чегаралаш, вирусли инфекциянинг тарқалишини жиловлашга қаратилган.

Тиббиёт қанчалик ривожланган бўлмасин, давлат бунга қанча-қанча маблағ ажратмасин, одамларимиз шифокорлар тавсиясига амал қилмаса, тартиб-интизомли бўлиб, карантин қоидаларига риоя этмаса, барча кўраётган чораларимиз, пандемияга қарши курашиш учун сафарбар қилинган юз минглаб фидойи инсонларнинг меҳнати беҳуда кетиши мумкин.

Айрим ҳудуд раҳбарлари ҳозирга қадар фуқароларга мурожаат билан чиқиш ва юзага келган вазиятни аҳоли ўртасида тушунтириш чораларини кўрмаяпти. Маҳаллий телеканаллар, газета ва журналларда, ижтимоий тармоқларда ишлар лозим даражада ташкил этилмаяпти.

Вилоят, шаҳар ва туман, 4 та сектор раҳбарларининг эпидемиологик осойишталик учун шахсий жавобгар эканлиги ҳақида қатъий огоҳлантираман. Сизлар коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаслик, карантин режимини бузишнинг барча салбий оқибатларини аҳолига тушунтириш бўйича туну кун ишлашингиз шарт.

Маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳам кўп эътирозларим бор. Жойларда маҳалла фаолларининг роли умуман сезилмаяпти. Маҳалла раисларининг кўз олдида айрим фуқаролар кўп одамларни йиғиб, дабдабали маросим ва тадбирларни ўтказишни давом эттирмоқда.

Мисол учун, Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Беруний маҳалласида яшовчи аёл Умрадан қайтиб келиб, уйда карантинда бўлиш талабларини қўпол равишда бузиб, эртаси куни 120 нафар кишини чақириб, дабдабали маросим ўтказган. Оқибатда унинг 4 нафар оила аъзоси инфекция юқтиргани аниқланди. Яна қанча одам касалланган ҳали номаълум.

Шу боис, карантин қоидаларини бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш тўғрисида парламентимиз қабул қилган қонунни имзоладим. **Ушбу қонунга асосан, бундан буён карантин даврида атрофидаги инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётини хавф остига қўйганлар 10 йилгача озодликдан маҳрум этилади.**

Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Санитария-эпидемиология назорати инспекцияси қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини қатъий таъминлаши шарт.

Ишончим комил, оиласи, фарзандлари, эл-юрти тинчлиги, соғлиғини ҳамма нарсадан устун қўядиган донишманд халқимиз бундай ҳолатга тушиб қолишни ҳеч қачон истамайди.

Коронавирус пандемияси бутун инсоният учун Яратганнинг берган бир синовидир. Халқимиз жипслашиб, шифокорларнинг барча тавсияси, кўрсатмаларига амал қилсалар, одамларимиз карантин даврида ҳаётий заруратсиз ўз хонадонларини тарк этмаса, касалликнинг илк белгилари аниқланганда, уни яширмай шифокорларга ўз вақтида мурожаат қилсалар, биз бу касалликни, албатта, енгамиз!

Коронавирусга қарши курашишдаги ўзига хос "жанг майдони"да тиббиёт ходимлари биринчи зарбани қабул қилмоқдалар. Оддий ҳақиқатни тан олиш адолатдан бўлади. Касалларга ўз вақтида ёрдам берилса, улар шифо топади, касалхоналарни тарк этади. Лекин, охирги касал тузалмагунча тиббиёт ходимлари иш жойини тарк этолмайди.

Дунё бўйлаб, хусусан, мамлакатимизда шифокорларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соғлиги йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун жасорат намунаси бўлмоқда.

Шу сабабли, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитар-эпидемиологик ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида алоҳида қарорни имзоладим.

Карантин амал қиладиган муддатда коронавирусга чалинган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда фаолият олиб бораётган шифокорлар, эпидемиологларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қўшимча 25 миллион сўм, ҳамшира ва лаборантларга 15 миллион сўм, санитар ходимларга 10 миллион сўм ва бошқа ходимларга 5 миллион сўм рағбатлантириш тўловлари берилади.

Бундан ташқари, беморлар билан ишлаш вақтида коронавирус юқтириб олган тиббиёт ходимларига 100 миллион сўм миқдорида алоҳида тўлов берилади.

Ҳар бир тиббиёт ходимига алоҳида эътибор қаратиш, коронавируслан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришган тиббиёт ходимларини карантинга олиш, уларга муносиб шароитлар яратиб бериш зарур.

Ҳурматли тиббиёт ходимлари, ўз ҳаёти ва соғлиғини гаровга қўйиб, пандемия билан курашаётган шифокорлар, ҳамширалар, санитар ходимларга бутун Ўзбекистон халқи номидан чексиз миннатдорлик билдираман.

ИЖТИМОИЙ ВА ТИББИЙ МУҲОФАЗАНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, мазкур касаллик жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир этмоқда. Одамлар саломатлигидан иқтисодиётни устун қўйган давлатларнинг аччиқ тажрибаси бу йўлнинг нечоғлик нотўғри эканини кўрсатмоқда.

Шу боис, мамлакатимизда инфекциянинг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда касалликни даволашга барча куч ва воситалар сафарбар қилинди.

Хусусан, карантинга олинган фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида биринчи босқичда 10 минг ўринга мўлжалланган карантин зонасини барпо этиш ишлари якунланмоқда.

Ушбу вилоятда 2 та беш минг ўринли юқумли касалликлар шифохонаси қурилмоқда. Унинг мингталик биринчи блоки яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятларида ҳар бири минг кишилик модуль касалхоналар ва карантин пунктларини жиҳозлаш ишлари бошланди.

Йиғилишда аҳолини ижтимоий ва тиббий муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликларига 300 мингта экспресс-тест ва 500 та сунъий нафас олдириш аппарати харид қилиш, хавф юқори бўлган аҳоли пунктларида кўчма лабораториялар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Шифокорларимизга амалий ёрдам бериш ва уларнинг малакасини ошириш учун хорижий мутахассисларни жалб қилиш, тиббиёт ниқоблари ишлаб чиқаришни кунига 5 миллион донага етказиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ўз ходимларининг камида 50 фоизини ҳақ тўланадиган таътилга чиқариши, қолганлар масофадан ишлашга ўтказилиши зарурлиги таъкидланди.

Сурункали касалликка чалинганлар ҳамда 60 ёшдан ошганлар ташқарига чиқмаслиги, бундай ходимлар 100 фоиз меҳнат таътилига чиқарилиши тавсия этилди.

Тиббиёт ва ҳарбий олий ўқув юртлари талабаларидан иборат кўнгиллилар жамоасини тузиб, ёлғиз кексалар, боқувчиси йўқ оилаларга ҳамда олис ҳудудларга озиқ-овқат, гигиена ва дори воситалари етказиб беришни ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистонга олиб кирилаётган дори-дармонлар, субстанциялар, тиббий техника ва бошқа зарур товарларни божхона тўловларидан, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 19 мартдаги фармонига мувофиқ, бу борада кўплаб имтиёз ва преференциялар белгиланган эди.

Бугунги йиғилишда давлатимиз раҳбари бизнес вакилларининг фикрини инобатга олган ҳолда, уларга яна қўшимча енгилликлар бериш зарурлигини таъкидлади.

Қайд этилганидек, 1 октябрга қадар тадбиркорларнинг фойдаланилмаётган объектларига нисбатан мол-мулк ва ер солиғининг оширилган ставкалари қўлланилмайди. 1 ноябрга қадар коронавирус пандемияси туфайли молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган корхоналар банкрот деб эълон қилинмайди. Карантин муддати давомида тадбиркорлик субъектлари фойдаланаётган 3 минг 600 дан ортиқ давлат мулки объектлари бўйича ижара ҳақларини ундириш тўхтатилади. Шунингдек, барча лойиҳалар доирасида инвестициявий мажбуриятларни бажариш муддатлари 6 ойга узайтирилади.

Бундан ташқари, карантин даврида тадбиркорларнинг ҳисоб рақамини тўхтатиб қўйиш тақиқланади. Аҳолига товарларни етказиб бериш ҳамда ташиш хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби вақтинчалик бекор қилинади.

Йиғилишда янги иш ўринларини яратишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилиши маълум қилиниб, унинг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида икки давлат раҳбарлари баҳорий Наврўз айёми муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, энг эзгу тилакларини билдирдилар.

Ушбу фаровонлик ва янгиланиш байрами дўст халқларимизнинг маданий-маънавий мероси муштараклиги, тинчлик ва равнақ йўлидаги орзу-умидлари рамзи бўлиб келаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ашраф Ғанини Афғонистон Президенти этиб сайлангани билан табриклади ҳамда унга мамлакатда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш борасидаги устувор вазифаларга эришишда катта муваффақиятлар тилади.

Ашраф Ғани, ўз навбатида, табрик учун, шунингдек, Афғонистонда тинчликка эришиш ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш юзасидан кўрсатаётган кўмаги ва фаол саъй-ҳаракатлари учун Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди.

Афғонистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан икки йил аввал ўтказилган Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси муҳим воқеа — афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича сиёсий жараённи бошлаш, манфаатдор томонлар мулоқотининг ўзаро мақбул шакл ва механизмларини излашда "бошланғич нуқта" бўлганини қайд этди.

Мулоқот чоғида минтақада янги турдаги коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ жорий вазият ва кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Президент Ашраф Ғани Ўзбекистон коронавирусга қарши курашишда кўрсатаётган амалий кўмаги учун алоҳида миннатдорлик билдирди. Мамлакатимиз мутахассислари томонидан бунёд этилган ва фойдаланилаётган "Ҳайратон – Мозори Шариф" темир йўли, шунингдек, электр энергияси, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари етказиб берилаётгани ҳамда савдо ва гуманитар юкларнинг юртимиз ҳудуди бўйлаб транзити ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширилаётгани ва кўрсатилаётган бошқа ёрдам ушбу пандемияга қарши курашишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштиришни давом эттириш ҳамда икки мамлакатдаги санитар-эпидемиологик ҳолатни назорат қилиш борасида қатъий чоралар кўриш муҳимлигини қайд этдилар.

Президентлар икки томонлама, аввало, савдо-иқтисодий, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ҳамкорликнинг долзарб масалаларини ҳам кўриб чиқдилар, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Афғонистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қўшма инфратузилма лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга келишиб олинди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ КЕНГ ТАРҚАЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳамда беморлар саломатлигини тиклашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари имкониятларидан фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан коронавирус инфекцияси тарқалиши асоратларини камайтириш, беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларида 5 мингдан ортиқ ўрин-жойлар захираси яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг (кейинги ўринларда — Махсус комиссия):

нодавлат тиббиёт ташкилотларига шошилинч профилактика ва эпидемияга қарши чоралар кўрилишини талаб қилувчи юқумли касалликлар қаторига киритилган коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга, истисно тариқасида, 2020 йил 1 сентябрга қадар тиббий хизмат кўрсатишга рухсат бериш;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ТИББИЁТ ВА САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жаҳон миқёсида тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимлари коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ва санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ҳар **14 кунлик фаолият даври учун қуйидаги миқдорларда (солиқлардан ташқари) махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови** (кейинги ўринларда – махсус тўлов) белгилансин:

врач ходимларга, врач-лаборантларга – **25 миллион сўм;**

ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга –**15 миллион сўм;**

кичик тиббиёт ходимларига – **10 миллион сўм;**

бошқа ходимларга – **5 миллион сўм.**

Давоми 2-бетда

Юкларни тезкор ўтказиш бўйича эса олдиндан электрон декларациялаш тартиби амал қиляпти. Унга кўра, тадбиркорлик субъектлари олиб кирадиган ёки олиб чиқадиган маҳсулоти ҳамда унинг ҳажми ҳақида олдиндан декларация тақдим этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 27 март, 46-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ КЕНГ ТАРҚАЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни фақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқулансин.

3. Белгилансинки:

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун нодавлат тиббиёт ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, истисно тариқасида, танлов (тендер) ўтказмасдан аниқланади;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

ушбу қарорнинг 2-банди иккинчи хатбошисида белгиланган муддат Махсус комиссия томонидан ўзгартирилиши мумкин.

4. Ўрнатилсинки, эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, зарурат юзага келганда Махсус комиссия қарорига асосан коронавирус инфекциясини аниқлашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан келишилган ҳолда уларнинг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

нодавлат тиббиёт ташкилотларида коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларни тезкорлик билан тузиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари тиббиёт ходимларига коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда уни даволашнинг замонавий ва самарали усулларини қўллаш юзасидан амалий кўникмаларни ўргатиш;

коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотларининг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланиш бўйича Махсус комиссияга таклиф киритиш;

беморларни нодавлат тиббиёт ташкилотларига жойлаштириш ва даволаш натижаларининг қатъий ҳисобини юритиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг хизмат кўрсатувчи ходимларини шахсий гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишларини таъминлаш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари бино-иншоотларининг дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлаш;

дезинфекция тадбирларини тўлиқ амалга ошириш учун етарли миқдорда дезинфекция воситалари захирасини яратиш чораларини кўрсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ТИББИЁТ ВА САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси (А.Н.Арипов) бир ҳафта муддатда махсус тўловларни олувчи мазкур бандда назарда тутилган тадбирларга жалб қилинган бошқа ходимларнинг қўшимча рўйхатини тасдиқласин.

2. Белгилансинки, махсус тўловлар карантин амал қиладиган муддат давомида, шу жумладан, жорий йилнинг март ойи учун, ходимнинг ҳар 14 кунлик фаолият даври якунида тўлаб берилади.

3. Коронавирус инфекциясини юқтирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган, зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни юқори ҳимоя даражасига эга бўлган шахсий ҳимоя воситалари комплекти билан мунтазам равишда таъминласин.

5. Мазкур қарор ижроси билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил “26” мартдаги ПҚ – 4652-сон қарорига
илова

Коронавирус инфекциясини юқтирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар МИҚДОРИ

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида **коронавирус инфекцияси юқтириб олган** тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга тўланадиган бир марталик тўлов миқдори	**100 миллион** сўм
Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида **коронавирус инфекциясини юқтириш натижасида оғир аҳволга тушган ва соғлиғи тикланмаган тақдирда** тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ёки уларнинг оила аъзоларига тўланадиган бир марталик тўлов миқдори	**250 миллион** сўм

Изоҳ. Ушбу тўловлар қонун ҳужжатлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатлар ҳамда меҳнат шартномасига мувофиқ ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки бошқа оқибатлар юзага келиши муносабати билан тўланадиган тўловларни сақлаб қолган ҳолда қўшимча равишда амалга оширилади.

Божхона бекати

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ УЗЛУКСИЗ ҲАРАКАТДА

Рисолат МАДИЕВА,
Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига биноан Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларида юкларни чегара божхона постлари орқали тезкорлик билан ўтказиш, уларнинг узлуксиз божхона расмийлаштирувини, шунингдек, экспорт ва импорт қилинаётган товарларга рухсат берувчи ҳужжатларнинг берилишини таъминлаш бўйича ташкил қилинган Тезкор штабларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.



Озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг мўътадил ушлаб турилишида уларни импорт қилиш орқали ички бозорларга узлуксиз етказиб берилиши муҳим ўрин тутади. Масалан, пойтахтимизнинг “Чуқурсой” ташқи иқтисодий фаолият постида кунига четдан келтирилган 2 минг 800 тоннага яқин картошка тезкорлик билан божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказилиб, ички бозорларга йўналтирилмоқда. Олмазор туманидаги божхона омборларидан бирида бўлганимизда, бу ерда шу кечакундузда 1,5 минг тоннадан ортиқ қуруқ чой сақланаётганига гувоҳ бўлдик. Тез кунларда яна шунча миқдордаги маҳсулотнинг келиши кутилмоқда.

— Сўнгги 10 кун (15-24 март) давомида давлат божхона хизмати органлари хориждан келтирилган 18,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги 50,2 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотларини импорт божхона режимига расмийлаштирди, — дейди Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизмати бош инспектори Ҳусан Тангриев. — Республикамиздан эса ана шу вақт давомида хорижий давлатларга 140 миллион АҚШ доллари қийматидаги 150 минг тоннадан ортиқ товарлар экспорт қилинди. Бу ишларни амалга оширишда давлатимиз раҳбари фармонида кўзда тутилган 10 фоиздан ошмаган муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда ҳам кафолатланган тўловни таъминламасдан товарлар экспортини амалга оширишга рухсат берилганлиги қўл келмоқда.

Юкларни тезкор ўтказиш бўйича эса олдиндан электрон декларациялаш тартиби амал қиляпти. Унга кўра, тадбиркорлик субъектлари олиб кирадиган ёки олиб чиқадиган маҳсулоти ҳамда унинг ҳажми ҳақида олдиндан декларация тақдим этади. Декларацияни фуқаронинг ўзи ёки брокерлик фирмалари ёрдамида тайёрлаш мумкин. Унинг афзаллиги шундаки, божхона қайси субъектга қанча миқдорда юк келаётганидан хабардор бўлади. Бу билан ортиқча вақт сарфланиши, тадбиркорнинг сарсон бўлишига барҳам берилади.

Давлат божхона қўмитасининг сертификатлаш идоралари билан рухсат берувчи ҳужжатларни олдиндан бериш бўйича ҳамкорлиги ҳам тезкорликни таъминлашга қаратилган. Жорий этилган “Ягона ойна” тизими орқали товар туркумига бериладиган сертификатлар электрон тарзда олиняпти ва инсон омили чекланган ҳолда амалга ошириляпти.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган тартиб даврида халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини юбориш ва қабул қилиш ҳам узлуксиз давом этади. Тошкент шаҳридаги “Бош почтамт” ташқи иқтисодий фаолият божхона постида ходимлар одатдагидек, лекин махсус ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда хизматни олиб бормоқда. Почта жўнатмалари ва уларни жўнатиш ишлари санитария-эпидемиология стандартларига мувофиқ амалга ошириляпти.

Жорий йилнинг 15-25 март кунлари “Бош почтамт” божхона постида салкам 173 тонна оғирликдаги 37 минг донадан ортиқ халқаро почта ва курьерлик жўнатмаси божхона назоратидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йил 24 мартдан бошлаб коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган тартиб жорий этилди. Айни пайтда хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг Ўзбекистон ҳудудига барча чегара ўтказиш пунктлари орқали кириб келиши тўхтатилган. Лекин турли сабабларга кўра, юртимиздан ташқарида қолган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кириб келиши давом этмоқда. Улар 14 кун давомида махсус ажратилган тиббиёт муассасаси ёки карантин тадбирларини ташкил этишга мослаштирилган базалар ёхуд уй шароитида карантинга олинади.

Ушбу шахслар билан чегарада, энг аввало, божхона ходимлари юзма-юз келишини инобатга олсак, божхоначиларнинг махсус ҳимоя воситаларидан фойдаланиши нафақат уларнинг саломатликларини асрашга, балки коронавирус ёйилишининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биргина “Ғиштқўприк” чегара-божхона постида 24-25 март кунлари 2922 нафар юртдошимиз тезкорлик билан божхона назоратидан ўтказилди.

Давлат божхона хизмати органлари учун бугунги кунлар янада масъулият ва оқиллик билан ишлашни тақозо этади. Халқимиз бу офатни, албатта, енгади. Бунинг учун салоҳият, қудрат ва энг муҳими, ишонч мустаҳкам.

Репортаж



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

МАХСУС ШИФОХОНАЛАР ҚУРИЛМОҚДА

Аброр УМАРҚУЛОВ

Шу кунларда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги 53 гектар ҳудудда коронавирус пандемияси сабаб карантинга олинганларни сақлаш учун махсус шифохона қурилиши жараёни қизғин кечмоқда. Қисқа фурсатда барпо этиладиган шифохонада хориждан чартер рейсларда келаётган ватандошларимиз бир муддат карантинда сақланади.

Шифохона пойтахтимиздан 25 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда барча шароитлар яратиляпти. Муассасага 1600 та контейнер ўрнатилмоқда. Бир контейнер икки хонага бўлинган. Ҳар бир хона тўрт кишига мўлжалланган, ҳожатхона ва ювиниш хонаси билан таъминланган. Умуман олганда, тўрт киши бир муддат яшаши учун шароит етарли: телевизор, кондиционер, электр чойнаклар бор.

— Бу каби яна бир йирик муассаса Зангиота туманида бунёд этилмоқда, — дейди Тошкент вилояти ҳокими матбуот котиби Бекзод Қобулов. — Шу кунларда ушбу тумандан ажратилган 27 гектар ер майдонида ўн минг ўринли шифохона қурилиши жадал давом этмоқда. У ҳам яқин фурсатларда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тарқатган маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида учта замонавий ихтисослашган тиббиёт муассасаси бунёд этилмоқда. Чилонзор туманида янги қурилаётган, 144 ўринга мўлжалланган шаҳар 3-болалар юқумли касалликлари шифохонаси ва 158 ўринли шаҳар 4-болалар кардиоревматология клиник шифохонаси бинолари яқин ойларда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Яшнобод туманида Тошкент стоматология институтининг янги қурилаётган биносини 250 ўринли замонавий даволаш муассасасига айлантириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Мазкур бино жорий йилнинг май ойида фойдаланишга топширилади. Айни пайтда Андижон, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида ҳам коронавирус билан касалланганлар ва уларнинг карантини учун худди шундай муассасалар қурилмоқда.



Кун мавзуси

А.ҚОРЖОВОВ

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига асосан, "Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамияти тизимидаги корхона ва ташкилотларда ҳам COVID-19 инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, белгиланган қувватларда электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕЛГИЛАНГАН ҚУВВАТЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ



Жамият матбуот хизматининг хабар беришича, фармонда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишига оид тегишли буйруқлар ишлаб чиқилган, мавжуд масалаларни тезкорлик билан мувофиқлаштириш бўйича штаб иши ташкил этилган.

Тизим корхоналари томонидан бир кеча-кундузда саноат корхоналари, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш субъектларига ўртача ҳисобда 170 миллион кВт. электр энергияси етказиб бериляпти. Режага биноан, каратин кунларида ҳам қувватлар тўлиқ ишлайди.

Шунингдек, санитария-эпидемиологик осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишда мутасадди давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 23 мартда қабул қилинган "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларига тўлиқ риоя этиляпти.

Аввало, барча ишлаб чиқариш объектларида дезинфекция ишлари йўлга қўйилди. "Иссиқлик электр станциялари" АЖ ва унинг корхоналари учун қўшимча 20 минг дона тиббий ниқоб тайёрланиб, ходимларга тарқатилди. Улар объектларга тиббий кўрикдан ўтганидан кейин киритилмоқда. Корхоналар ҳудудига кириб-чиқиш пунктлари тепловизорлар билан таъминланиб, станциялардаги тиббиёт бўлими ходимлари томонидан цех участкаларида коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Солиқ

ФИСКАЛ ИНСТИТУТДА САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Фискал институтни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.



Ушбу лойиҳа молия ва солиқ соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш, шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга доир давлат дастури тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Мазкур қарор асосида Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида ташкил этилиши белгиланган Фискал институт юқори даражада фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилишини таъминлайдиган таянч олий таълим муассасаси бўлади.

– Асосий эътибор профессор-ўқитувчилар таркибини юқори даражадаги касбий ва педагогик маҳоратга, шу жумладан, амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар билан тўлдириш, халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантириш тизимига босқичма-босқич ўтишни таъминлашга қаратилади, – дейди Давлат солиқ қўмитаси кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Нозим Қодиров. – Шунингдек, таълим жараёни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг замонавий усуллари, халқаро солиққа тортиш, трансферт нархларни белгилаш, таваккалчиликларни таҳлил қилиш, бизнес-таҳлил технологиялари (Business Intellegence) ва солиқ маъмуриятчилигида илғор ахборот технологияларини (Big Data) қўллаш асосида ташкил этилади. Етакчи хорижий таълим муассасалари билан профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш соҳасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилади.

ҚАЙСИ ЙЎНАЛИШЛАР МАВЖУД?

Институтда "Солиқлар ва солиққа тортиш", "Молиявий назорат ва аудит", "Солиқ, молия ва тижорат ҳуқуқи", "Иқтисодиётда ахборот технологиялари" таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади. Янги олий таълим муассасаси тузилмасида Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Молия университетининг бўлинмаси (факультети) ташкил этилади. Институтда кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланади.

Қарор лойиҳасида институтнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича "Йўл харитаси"ни тасдиқлаш ҳам назарда тутилмоқда.

Давлат солиқ қўмитаси раиси институтни бевосита бошқариб боради. Қўмита ҳузуридаги Малака ошириш маркази директори эса институт проректори ҳисобланади. Бундан ташқари, институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимига юқори малакали хорижий мутахассис тайинланади. Тузилма таркибида Солиқ эволюцияси музейи ҳам ташкил этилади.

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Фискал институтга бакалавр ва магистрлар қабули Ўзбекистон олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиблари асосида амалга оширилади.

Дастлабки ўқув йилида бакалавриат йўналишида 420 та ўрин ажратилиши белгиланмоқда. Шундан 130 нафари давлат грантлари асосида қабул қилинади. Бакалаврлар учун таълим муддати уч йил бўлади. Магистратура учун эса 26 та ўрин ажратилади. Таълим муддати бир йил.

Шунингдек, кундузги бакалавриат таълим йўналишларига мос бўлган йўналишларда табақалаштирилган тўлов-контракт асосида сиртқи таълим шаклида ўқитиш ҳам белгиланди.

2021 йилдан солиқ соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш бўйича таянч докторантура ва докторантурага қабул квоталари ҳам ажратилади.

Давлат грантлари асосида таҳсил олган талабаларга ўқишни тамомлаганидан сўнг давлат солиқ хизмати органларида камида беш йил ишлаб бериш мажбурияти юклатилади.

Янги ўқув йили учун қабул бошлангунга қадар таълим жараёнига тегишли фанлар ва предметлар бўйича янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашнинг комплекс дастури ишлаб чиқилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ҳар йили Давлат солиқ қўмитасининг буюртмасига кўра, миллий ва халқаро солиқ солиш услубиёти ҳамда амалиётига доир илмий тадқиқотлар лойиҳаларининг танловларини ташкил этиб бориш юклатилмоқда.

Қарор лойиҳасида Давлат солиқ қўмитасининг Тошкент солиқ коллежини 2 йиллик инновацион таълим дастурлари асосида ўқитиладиган институт ҳузуридаги академик лицейга ва Бухоро солиқ коллежини институт ҳузуридаги техникумга айлантириш белгиланди.

ҲОЛАТ

ЧЕКЛОВЛАР КИРИШГА ҲАМ, ЧИҚИШГА ҲАМ БИРДЕК ТЕГИШЛИ

Р.МАДИЕВА

Коронавирус пандемияси боис, мамлакатимизда жиддий чора-тадбирлар кўриляпти. Хусусан, шу кунларда карантин мақсадида баъзи шаҳарларга кириш-чиқишга чекловлар ўрнатиляпти.

2020 йилнинг 24 март куни соат 00:01 дан бошлаб Тошкент шаҳрига кириш-чиқиш тўхтатилган бўлса, 26 мартдан Наманган шаҳрида ҳам шундай чеклов жорий этилди.

27 март куни соат 00:01 дан бошлаб эса Андижон шаҳрига кириш ва чиқиш ҳар қандай транспорт воситалари (автобус, микроавтобус ва енгил автотранспорт) учун тўхтатилиши маълум қилинди.

27 март куни соат 06:00дан бошлаб Самарқанд шаҳри ва соат 00:01 дан бошлаб Гулистон шаҳрига кириш ва чиқиш ҳам вақтинча тўхтатилди.

Ушбу чекловлар юк ташиш билан боғлиқ ҳолатлар, шунингдек, шаҳарда доимий яшовчи шахсларга кириш учун, вилоятлар марказидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, бошқарма, идора ва ташкилотларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган раҳбар ва ходимлар, шифокор ва ҳамширалар, санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ходимлари ҳамда вилоят туманларига бириктирилган масъул ходимларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Эпидемик вазият нохуш мамлакатлардан юртдошларимизнинг олиб келиниши давом этмоқда. Фарғона халқаро аэропортида Таиландннинг Бангкок шаҳридан учган авиарейс қабул қилинди.

Фарғона вилояти ҳокимлигининг коронавирус касаллигига қарши курашиш ва тарқалишининг олдини олиш бўйича штабидан олинган маълумотга кўра, мамлакатимизнинг самолёт бортидаги 257 нафар фуқароси белгиланган тартиб-қоидалар асосида кутиб олинди.

Шунингдек, вилоятда эпидемик вазият беқарор бўлган давлатлардан келган 211 нафар фуқаро шифохона шароитида, 1 минг 528 киши уй шароитида карантинга олинган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонасида коронавирус инфекциясини юқтирган олти нафар бемор даволанаётганини маълум қилди.

ЭЗГУ АМАЛ

БИРДАМЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Гулчеҳра ДУРДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш, аҳолига янада қулайлик яратиш, ваҳимага ўрин қолдирмаслик ва озиқ-овқат маҳсулотлари етарли даражада экани юзасидаги тушунтириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.



Куни кеча Оҳангарон шаҳри ва тумани ҳокимликлари пандемия эпидемиясига қарши кураш юзасидан жойларда олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

— 50 минг аҳолиси бўлган шаҳримиздаги мавжуд 184 та кўп қаватли уйининг ён-атрофи, олд қисмлари мунтазам равишда дезинфекция қилинмоқда, — дейди Оҳангарон шаҳри ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Дилшода Аннаева. — Шаҳар ва туман ҳокимликлари мутасаддилари ва Ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши томонидан тузилган кўнгиллилар гуруҳи аъзолари кам таъминланган, ногирон, эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, шахсий-гигиена воситалари, тиббий ҳимоя ниқоблари ва рўзғор учун керакли маҳсулотларни етказиб, зарур тавсияларни бериб келмоқда.

"Адолат" маҳалласидаги кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари дезинфекция қилиниб, аҳолига ҳимоя ниқоблари тарқатилаётганига гувоҳ бўлдик. Маҳаллада яшовчи Собира опанинг таъкидлашича, одамлар карантин эълон қилинган кундан бери фақат зарур бўлсагина кўчага чиқмоқда, энг асосийси, аҳоли ўртасида ваҳима йўқ.

Оҳангарон деҳқон бозорида 5000 та ниқоб ва 5000 та совун бепул тарқатилиб, арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилибди.

— Ҳар куни фарзандларим, невараларим даврасида китоблар мутолаа қилиб, биргаликда дарс тайёрлаяпман, — дейди шаҳарнинг "Янгиобод" маҳалласида яшовчи Маҳбуба Ғофурова. —Уларга ибратли ҳикояларни айтиб бераман. Ҳовлимиздаги бир парча еримизда кўчат экиш, гуллар ўтказиш ишлари эса соғлиғимиз учун фойдали.

Шу ташвишли кунларда фойдадан кўра, кўпроқ савобни ўйлаётган тадбиркорлар кўп. Олис Тошсой қишлоғилик фермер Абдумутал Хакировнинг бевосита кўмаги билан аввалроқ қишлоқ йўллари таъмирланиб, ичимлик сув олиб келинган эди. Халқимиз учун синовли бўлган айни пайтда фермер бўрдоқига боқаётган 2 та буқасини сўйиб, эҳсон тариқасида қишлоқдошларига тарқатди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Оҳангаронлик тадбиркор Назира Раҳмонова маҳалладошларига ниқоблар олиб берган бўлса, ишбилармон Абдулазиз Жониқулов ва фермер Олим Мансуров кам таъминланган оилаларга бир миллион сўмдан пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳадя қилди.

— Хайрли ишларнинг барчасини санасак, адоғига етиш қийин, — дейди оҳангаронлик журналист Элёр Ўтбосев. — Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, айни дамдаги оғир синовдан бизни фақатгина бирдамлик олиб чиқади. Халқимиз бундай синовларни ҳамиша ўзаро жипслашув ва ҳамжиҳатлик эвазига енгиб келган. Оғир дамларда четда қўл қовуштириб турмасдан, халққа ғамхўрлик, меҳр-мурувват, саховат кўрсатаётган тадбиркорларимиз эса бу борада ҳаммага ўрнак бўлмоқда.

ТАШАББУС

ДАВЛАТ СТАНДАРТИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Мамлакатимиз аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда махсус ҳимоя ниқобларига бўлган ягона талабни ўрнатиш мақсадида "Ўзстандарт" агентлиги томонидан O'z DSt 3452:2020 "Нотўқима полотнодан тиббиёт ниқоби. Техникавий шартлар" давлат стандарти Европа Иттифоқининг EH 14683:2014 "Тиббий ниқоблар. Талаблар ва синов методлари" асосида тиббиётда ишлатиладиган ниқобга давлат стандарти ишлаб чиқилди.

Шунингдек, "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон миллий метрология институти томонидан юртимизда коронавирус инфекциясига қарши курашиш мақсадида инсон тана ҳароратини ўлчашда ишлатилаётган инфрақизил термометрларни текин метрологик текширувдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Агентлик тизимидаги Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази лабораторияларида мазкур маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари ва сертификатлаштириш ишлари текин амалга оширилади.

Абдурауф РАСУЛОВ

Қадимда Буюк ипак йўли орқали қатнаган карвонлар бу ҳудудни кесиб ўтганда, ўтроқ халқ вакиллари бўлган ҳунармандлар, чеварлар қўлидан чиққан эгар-жабдуқ, жун гилам, каштали матоларни жон-жон деб сотиб олган ва узоқ юртларга олиб кетган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 27 март, 46-сон

Туризм



Жиззах вилояти юртимизнинг бошқа ҳудудлари қатори ўзининг гўзал, бетакрор табиати, сўлим гўшалари, Айдар-Арнасой кўллар тизими, тарихий обидалари билан мамлакатимиз ва дунё сайёҳларини ўз бағрига чорлайди.

ЖИЗЗАХДА ҲАР БИР ТУМАННИНГ ЎЗ БРЕНДИ БЎЛАДИ

Лола САНАЕВА,
Жиззах вилояти туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи,
Худойберди КАРИМОВ,
журналист

Вилоятнинг туризм салоҳияти жуда катта. Биринчидан, воҳа Ўзбекистоннинг қоқ марказида жойлашган. Бирданига иккита давлат — Қозоғистон ва Тожикистон билан чегарадош. Халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль ва темир йўлларнинг айнан Жиззах заминини кесиб ўтишини ҳам қайд қилиб ўтиш ўринли. Иккинчидан, вилоятнинг табиати ўзига хос: бунда ҳам тоғ, ҳам чўл, ҳам адир, ҳам кўл экомуҳитлари, 9 та ўрмон хўжалиги, 2 та давлат қўриқхонаси ва битта миллий боғ мавжуд. Мана шу кўрсаткичлар вилоятимизда туризмнинг ўзига хос ва юқори нуфузга эга эко, аграр, гастрономик, ов, сув, зиёрат ва треккинг, яъни пиёда юриш турларини ривожлантириш учун замин бўлади.

Кейинги уч йил ичида республикамизда рўй берган янгиланиш ва ўзгаришлар туризм соҳаси ривожига ҳам ижобий туртки бўлди. Биргина мисол, беш йил аввал меҳмон уйларини ташкил этиш, уларни расмийлаштириш, реклама қилиш, устав фондини яратиш борасида қатор тўсиқлар бор эди. Бугун эса мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагида, айниқса, ўша чекка ва ҳатто чегара ҳудудларда, ўрмон хўжаликлари ичида, сув омборлари соҳилларида, сайёҳларни ўзига тортадиган, одамлар бориши қийин бўлган нуқталарда ҳам қонуний тарзда меҳмон уйларини ташкил қилишга рухсат берилди.

Шундан келиб чиқиб,

ўтган йили вилоятнинг Зомин, Бахмал ва Фориш туманларида 47 та меҳмон уйи ташкил қилинди. Энди улар қаторига Шароф Рашидов, Ғаллаорол ва Зарбдор туманлари ҳам қўшилмоқда. Меҳмон уйлари, асосан, зиёраттоҳлар, дам олиш масканлари, кўп йиллик дарахтлар, булоқлар, шаршаралар, археологик объектлар, Амир Темур, Искандар Зулқарнайн, Бобур каби буюк тарихий шахслар номига алоқадор масканлар яқинида барпо бўлаётгани аҳамиятлидир.

Жорий йилда Жиззахда меҳмон уйлари сонини камида 55 тага кўпайтириш кўзланмоқда. Сони ва кўлами кенгайиб бораётган бундай жойларнинг афзаллиги ва фойдаси ҳақида гап кетганда, уларнинг, биринчидан, чекка ва марказлардан узоқ ҳудудлардаги аҳолини доимий иш билан таъминлаётганини эслаб ўтиш даркор. Қолаверса, бу жараён юртдошларимизнинг ўзи яшаётган ҳудудга, табиат ва экологияга бўлган муносабати ижобий томонга кескин ўзгаришига сабаб бўлаётир. Улар учун мўмай даромад манбаига айланмоқда.

Хорижий сайёҳларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда, вилоят туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси туристик овуллар, маҳаллалар ва қишлоқлар ташкил қилиш масаласини ўз иш режасига алоҳида банд қилиб киритган. Бунда туристик ҳудуд бир соҳа ёки йўналишга ихтисослашиши кўзда тутилади. Масалан, Зомин туманидаги Дуоба қишлоғи ўз миллий ва маҳаллий таомлари билан гастрономик туризмга, Бахмал туманидаги Новқа қишлоғи эса тўқимачилик ва каштачилик маҳсулотлари билан тарихий-этнографик туризмга, Форишдаги Илончи қишлоғи донғи кетган майизи ва чорвачилик тармоғидаги ўзига хослиги билан аграр туризмга мослаштирилади.

Бахмалдаги чорва тоза жунидан тўқиладиган гилам, жулқурс ва олачалар хорижлик сайёҳлар эътиборини тортади. Қадимда Буюк ипак йўли орқали қатнаган карвонлар бу ҳудудни кесиб ўтганда, ўтроқ халқ вакиллари бўлган ҳунармандлар, чеварлар қўлидан чиққан эгар-жабдуқ, жун гилам, каштали матоларни жон-жон деб сотиб олган ва узоқ юртларга олиб кетган. Шуни ҳисобга олиб, Молгузар тоғлари этагидаги қишлоқларда ҳунармандлар уйлари ташкил қилиняпти. Уларда маҳаллий усталарнинг тоза жундан тўқилган кичик-кичик гиламлари, ясаган эгар, жилов, нўхта каби от-уловга мўлжалланган жиҳозлари кўргазма ва сотувга қўйилади. Хорижий сайёҳлар эса бундай маҳсулотларни қишлоқ аҳлининг қўлидан бевосита сотиб олиш имкониятига эга бўлади.

Вилоят туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан ҳар бир ҳудуднинг ўз брендини яратиш ғояси илгари сурилмоқда. Арчазорлар, ўсимликларнинг Туркистон тоғ тизмасида учрайдиган ноёб эндемик турлари, давлат қўриқхонаси ва миллий боғда учрайдиган ёввойи паррандаю даррандалар, тоғ асали, қозон патир, чалоп сингари ноз-неъмат ва таомлар билан Зомин бренди вужудга келади. Бахмал туманида эса машҳур олмаларни бренд даражасига олиб чиқиш режалаштирилган. Бу борада ўтган йили кўплаб сайёҳлар, блогерлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ташкил қилинган "Олтин куз" фестивали жараёнида олинган тажриба қўл келиши аниқ. Гап туманнинг олма етиштирувчи йирик хўжаликлари ҳудудларида агротуристик марказлар ташкил қилиш устида кетмоқда. Бу ерда сайёҳлар учун кичик ўтовлар, кемпинглар, санитария-гигиена хоналари, дегустация майдончалари барпо этилади.

Кейинги йилларда Жиззах воҳасининг туристик жозибадорлиги ҳам ошмоқда. Мисол учун, 2017 йили вилоятга 2 минг, 2018 йили 5 минг 800 нафар чет эллик меҳмон ташриф буюрган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 11 минг 772 нафарни ташкил қилди. Хорижликлар, асосан, Испания, Франция, Германия, Россия ва Қозоғистондан келди. Уларнинг кўпчилиги треккинг, яъни пиёда юришга қизиқмоқда. Жумладан,

ўтган йили Фориш туманининг оралиқ масофаси 5-10 километрни ташкил қилувчи тоғли қишлоқлари бўйлаб ташкил қилинган йўналиш кўпчиликнинг эътиборини тортди. Сайёҳлар ўз юришларини Можурум қишлоғидаги асрларга тенгдош арчаларни томоша қилиш билан бошлаб, Ҳаёт қишлоғига ўтди.

Улар бу ерда Нурота қўриқхонасидаги тошларга битилган петроглифлар, қояларда сақраб юрган архарларни кузатди. Навбатдаги — Асроф қишлоғида эса минг йиллар аввал яшаган одамлар қўли билан бунёд этилган қўрғонлар харобалари билан танишди.

Сайёҳлар мазкур экотуристик йўналиш бўйлаб юришлари давомида йўл устидаги қишлоқлар аҳолисининг турмуш тарзи билан яқиндан танишиб, ўша хонадонларда вақтинча яшаш, маҳаллий таомларни татиб кўришни истамоқда. Эндиликда Зомин, Бахмал, Ғаллаорол туманларида ҳам ташкил қилинаётган бундай сайёҳлик йўналишларида туристлар учун қулайликларга эътибор берилиб, йўналиш карталари, йўлкўрсаткичлар, ҳудудларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳақидаги батафсил маълумотлар, дам олиш жойлари, соябонлар, гулхан ёқиш мумкин бўлган махсус нуқталар яратилмоқда.

Жиззахга қўшни бўлган Самарқанд вилоятига ўтган йили 700 минг нафар атрофида хорижий сайёҳ ташриф буюрган. Жиззах воҳасига келган 12 мингга яқин сайёҳ бунинг олдида денгиздаги томчидек.

Вилоятга келаётган туристлар сонини янада ошириш учун айрим масалалар борки, уларни ҳал этиш жуда долзарб. Масалан, туристик ҳудудларга олиб борувчи йўллар ўта абгор. Интернет йўқ ҳисоби. Телефон алоқаси, электр энергияси таъминотида узилишлар одат тусига кирган. Тўғри, бугуннинг сайёҳи чекка, овлоқ масканда ҳордиқ чиқаришни, табиат гўзаллигидан баҳра олишни, қишлоқ хўжалигининг оддий, қўл билан бажариладиган майда юмушларида иштирок этиб, кўнгил ёзишни истайди. Шу билан бирга, у ана шу масканларда ўзи одатланган барча қулайликлар муҳайё бўлишини ҳам истисно қилмайди. Оддий ва одатий бўлган шу каби қулайликларнинг йўқлиги уларни бу ерларга қайта келишдан бездириб қўйиши мумкин.

Президентимиз ҳар сафар Жиззах вилоятига ташриф буюрганда, "Воҳанинг салоҳияти жуда катта, бундай имкониятдан фойдаланиш зарур", дея такрор-такрор таъкидлайди. Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари замирида воҳада сайёҳлик тизимини ҳам оқилона ва тўғри йўлга қўйиш зарурлигига ишора борлиги, шубҳасиз. Юқорида келтирилган факт ва рақамлар, амалга оширилиши кутилаётган режа ҳамда лойиҳалар бу борадаги ишларни янада жонлантиради.

Лойиҳа

ПРОПИСКА тизими соддалаштириляпти

Улуғбек МУҲАММЕДОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Миграция ва фуқароликни
расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи, полковник

Давлатимиз раҳбари шу йилги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида "Асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд. Бунинг ечими — ички миграцияни эркинлаштиришдан иборат. Шу боис, Парламент ва Ҳукумат 2020 йил 1 апрелга қадар прописка тизимини ислоҳ қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиб, аниқ таклифларни ишлаб чиқиши лозим", дея таъкидлаганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури" тўғрисида"ги фармонида кенг жамоатчилик истакларини ва халқаро эксперт жамоатчилиги тавсияларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг қуйидаги таклифларига розилик берилган:

2020 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк харид қилишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ушбу ҳудудларда доимий прописка эга бўлиш талаб қилинмаслигини кўзда тутувчи тартибни жорий этиш;

Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилувчи ва республиканинг бошқа ҳудудларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйларда кўчмас мулк олди-сотдиси шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкасини бекор қилиш.

Шу йилнинг 16 март куни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси — regulation.gov.uz порталига Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини янада соддалаштириш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун қўйилди.

Айрим таклиф берувчилар қонун лойиҳасидаги юртдошларимиз манфаатларига хизмат қилувчи жиҳатларни эътибордан четда қолдирмоқда. Биринчидан, қонун лойиҳасида республиканинг бошқа ҳудудларида доимий пропискага эга бўлган юртдошларимиз учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйларда кўчмас мулк олди-сотдиси шартномаларини расмийлаштиришда давлат божининг алоҳида ставкаси бекор қилиняпти. Амалдаги тартиб бўйича вилоятлик фуқаро 300 миллион сўмга Тошкент шаҳридан уй-жой харид қилса, ушбу шартнома миқдорининг 5 фоизини, яъни 15 миллион сўм миқдоридаги қўшимча пулни алоҳида давлат божи сифатида тўлайди.

Учинчидан, фуқароларга доимий пропискани расмийлаштириш жараёнида паспорт, уй дафтари ёки хонадон карточкасига прописка штампини босиш амалиётидан воз кечилади ва доимий пропискага эга бўлиш ҳолати рақамлаштирилади.

Тўртинчидан, фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида доимий пропискага туришда аввалги яшаш жойидан пропискадан чиқиш механизми бекор қилинади.

Бешинчидан, ҳарбий хизматга мажбурлар(16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва тиббий маълумотга эга бўлган аёллар)нинг доимий пропискани расмийлаштиришдан олдин мудофаа ишлари бўлимларига ҳарбий ҳисобга туриш учун бориш тартиби бекор қилиниб, ушбу жараённи идоралараро электрон маълумот алмашинуви дастури орқали амалга ошириш йўлга қўйилади.

Амалдаги тартиб бўйича фуқаролар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий пропискани расмийлаштириш учун аввалги истиқомат жойидаги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига шахсан бориб, рўйхатдан чиқиши (агар ҳарбий хизматга мажбур бўлса, ҳудудий мудофаа ишлари бўлимига бориб, ҳарбий ҳисобдан ҳам чиқиши), сўнгра келган жойи бўйича мазкур муассасага яна шахсан бориши (ҳарбий хизмат бўйича ҳам шундай) лозим. Эндиликда доимий пропискани расмийлаштиришни уй-жой эгаси миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига бориб ёки "Ягона дарча" тамойили асосида интернет орқали амалга ошириши мумкин. Фуқаронинг аввалги яшаш манзилига бориб, рўйхатдан ва ҳарбий ҳисобдан чиқиб келиши талаб этилмайди. Ушбу жараёнлар электрон тарзда ҳал этилади.

Доимий пропискани расмийлаштиришда уй дафтари ёки хонадон карточкаси юритиш, паспортга штамп босиш амалиёти бекор қилинаётгани сабабли фақаттина фуқаронинг хоҳишига қараб, қайд варақаси расмийлаштириб берилиши мумкин. Амалдаги тартиб бўйича эса ҳарбий хизматга мажбурлар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий пропискани расмийлаштиришдан олдин беш кунлик муддатда ҳудудий мудофаа ишлари бўлимларига шахсан бориб, ҳарбий ҳисобга туриб келишлари талаб этилган.



Иккинчидан, фуқаролар учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк харид қилишда ушбу ҳудудларда доимий пропискада бўлиш шарти бекор қилинмоқда. Амалдаги ҳужжатга кўра, фуқаронинг доимий пропискаси бўлмаса, бу ҳудудлардан фақатгина янги қурилган уй-жойни харид қилиши мумкин эди, иккиламчи бозордан эса уй сотиб олиш ҳуқуқи йўқ эди. Қарор лойиҳасида республиканинг исталган ҳудудида яшовчи юртдошларимиз пойтахтдан ўз номига кўчмас мулк сотиб олиш, ҳадя сифатида қабул қилиш, айирбошлаш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши кўзда тутилмоқда.

Эндиликда фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага қўйиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш масаласида давлат хизматини ички ишлар органларига бормасдан туриб, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш механизми жорий этилади. Шунингдек, фуқаролар ўзларига қулай ва яқин бўлган миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига бориб, доимий пропискани расмийлаштириш имконияти яратилади. Қарор лойиҳасида доимий прописка билан боғлиқ давлат хизматларини "Ягона дарча" тамойили асосида "Манзил" автоматлаштирилган ахборот алмашинуви воситасида кўрсатиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мамлакат ичида пропискасиз ёки ҳисобга турмасдан юриш муддати 10 кун қилиб белгиланган, яъни аввалги тартиб ўзгаришсиз қолдирилган. Хорижий давлатлар, масалан, АҚШ, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистонда бу муддат 10 кунни, Германия, Жанубий Корея ва Японияда 14 кунни ташкил этишини кўриш мумкин.

Туризм соҳаси ривожланаётган Ўзбекистонда кўплаб хорижий давлатлар фуқаролари учун 30 кунлик визасиз кириш тартиби жорий этилмоқда. Бугунги кунда бундай давлатлар сони 76 тага етди. Аммо улар республикамизга келган кунларидан сўнг уч иш куни мобайнида яшаб турган жойларидаги ички ишлар органи ёки жойлаштириш воситаларида вақтинча пропискадан ўтишлари лозим.

Мазкур лойиҳалар халқ муҳокамасидан ўтгандан сўнг, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қайта кўриб чиқилади.

ЖАДИДЧИЛИК



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

ҚОДИРИЙ МАСЛАГИ

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети профессори

Тақдир қалами миллий тарихимиз саҳифаларини минглаб буюкларга маскан бўлиш шарафи билан безагани рост. Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Насаф, Термиз, Тошкент каби жаҳоншумул маданият бешикларини бир лаҳза истисно қилиб турилганда ҳам ўнлаб туманлар, юзлаб қишлоқларда мафдун авлиё зотлар, мутафаккирлар, қалам аҳлларининг ҳад-ҳисобини ҳалигача аниқ билмаймиз.

Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди мисолида ҳам шундай хулосани айтиш мумкин. Гарчи, бу буюк ёзувчи ҳақида ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар ёзилган бўлса-да, ҳали ўрганилиши керак бўлган жиҳатлар жуда кўп.

Зотан, Абдулла Қодирий бизнинг глобаллашган замонимизда камдан-кам учрайдиган буюк бир фазилатга эга эди. Унинг маслаги тама ғуборларидан холи эди.

Абдулла Қодирий таржимаи ҳолига назар ташласак, унинг бола ёшидан эътиборан тўғри йўлга йўлланганига амин бўламиз. Мазкур йўл тарзида бирор ёлғон, ваъдага хилоф, омонатга хиёнатни учратмаймиз. Фақат тўғри тарбия, покиза ризқ, ҳалол меҳнатни кўрамиз. Бобур тахтга ўтирган ёшида тирикчилик важидан бой хизматига кирган Қодирий кўп ўтмай хўжайиннинг эътиборига тушади. Бой уни замонасининг эътиборли бир мактабига ўқишга қўяди. 18 ёшида ҳам эскича, ҳам янгича билимларни мукаммал эгаллаган Абдулла Расулмуҳаммадбойнинг тижорат ишларини юрита бошлайди. Ҳамида ахлоқи билан бу бойга ҳам маъқул келади. Натижада Расулмуҳаммадбой катта қизи Раҳбаройни Абдуллага никоҳлаб беради.

Бу далиллар Абдулла Қодирий ҳаёт йўлига доир ишларда кўп такрорланади. Бироқ бизнинг ҳам айни далилни бу ўринда такрор қилишимизга бир зарурат бор. Айни зарурат "Нега Қодирий илк мустақил қадамлариданоқ қўл остида ишлайдиган хўжасининг эътиборига тушди, илтифотига эришди?" деган саволга жавоб топиш заруратидир. Аввало, хўжайиннинг илтифотини аксар мутахассислар русча ёзув-чизувни биладиган хизматчига муҳтожликка йўядилар. Айни мантиқни қисман, қабул қилиш ҳам мумкин. Тижоратчининг асл мақсади савдо ишларини яна ва яна кенгайтириш экани рост гап. Аммо "Бой ўқишга жўнатиб, тижорий мақсадлари йўлида фойдаланаман деса,



12 ёшли Абдулладан бошқа одам қуриб қолганмиди?" деган иккинчи бир савол туғиладики, айни савол юқоридаги икки мантиқни ҳам заифлаштиради. Дарҳақиқат, катта эл орасидан Абдуллага ўхшаган оёқ-қўли чаққон, зеҳнли, уддабурон ёшларни топиш қийин эмас эди. Фақат бойга 12 яшар Қодирий маъқул келди. Тўғрироғи, бой унинг маслаги, хулқ-атвори, тарбиясини ёқтирди. Шунинг учун тижоратининг келажагини шу норасида билан боғлашга қарор қилди.

Расулмуҳаммадбойнинг илтифотини эса бирор тижорий, маиший, ижтимоий мантиқ билан тушунтириб бўлмайди. Чунки у ўзининг жондан азиз фарзандини қўл остида хизмат қилаётган камбағал бир йигитга никоҳлаб берди. Қолаверса, Раҳбарой унинг катта қизи, карималарининг тўнғичи эди. Уни қизининг келажаги ҳам, тижорати ҳам, маҳалла-ю жамиятнинг муносабати ҳам чўчитмади. Бою боёнлар, акобиру мансабдорлар, тожиру абжирлар орасидан бир қашшоқ оила фарзандини танлаб олди. Нега?

Менимча, манбаларда дину диёнатли инсон сифатида эсланадиган Расулмуҳаммадбой ҳам Қодирийнинг асл маслаги, яъни имонига ошиқ бўлиб қиз берган.

Қодирий оила қурганига бир йил тўлар-тўлмас қайнотаси Расулмуҳаммадбой синади, у яна ишсиз қолади. Лекин ёш Абдулла умрини бекор ўтказмайди. Тошкентдаги Абулқосим мадрасасига ўқишга киради. Бўш пайтларида дурадгорлик (тоқичилик) касби билан оила тебратади. Мана шу жойда адиб илм ва имон захирасини янада мустаҳкамлайди. Авлиёсифат мударрислар қўлида таълим олади. Ҳабибулла Қодирий ўзининг "Отам ҳақида" рисоласида "Ўткан кунлар"даги Юсуфбек ҳожи образининг прототиплари ҳақида гапириб, Эшонгузар маҳаллалик Алижон домлани тилга олади. Тошкентликлар орасида шу зот ҳам Абдулла Қодирийга таълим бергани, саҳобатабиат инсон бўлгани, Қодирийнинг домла олдидаги эътибори, ундан олган маънавий улуши ҳақида гаплар юради. Дейдиларки, Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларининг қайси биридан бўлмасин, илм-маърифатли бир одам Тошкентга келадиган бўлса, албатта, шу домлани зиёрат қилмасдан кетмаган. Маҳаллий аҳоли орасида "Аликорий домла" номи билан машҳур бўлган бу зотнинг Абдулла Қодирийга муҳаббати ҳам юқорида келтирганимиз икки далилдан кам эмас.

Ҳақиқатан ҳам, Қодирий ҳаёт йўлида нимаики топган бўлса, асл маслаги, имонидан топган. Адиб ижодининг илк намуналаридан охирги сатрига қадар имон сувига қорилгани бундай хулосага тўла асос беради. "Бахтсиз куёв" драмасида: "...Энди кўзларингизни очинглар. Бидъат тўйга исроф бўладурган оқчага ўғилларингизни ўқутинглар ёки жамияти хайрияларга иона қилинглар".

Қодирий маслагининг иккинчи узви — миллат қайғуси ҳам худди шу мезондан келиб чиқади. "Миллатимга", "Аҳволимиз" сингари илк миллий шеърлари, "Улоқда" ва бошқа "кичик асарлар"ининг исталганида айни мезон устувор эканини кўрамиз. Улардаги барча танқиду мақтовлар, илмий тил билан айтганда, ижтимоий-эстетик позиция, ахлоқий-бадиий идеал мана шу асосга қурилган.

Қодирий миллат тараққиётини ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол луқма еб, шариат асосида яшаган оила ва у тарбия этган фарзандларда кўради. Бу жиҳат адиб маслагининг учинчи узвини ташкил этади.

Қодирий бадиий ижоди, сатираси, оташин публицистикаси самурайлар қиличидек кескир, тиғи ўткир эди. Гарчи, аксар мутахассислар қодириёна танқидда "шафқатсизлик", "ўта кескинлик" хоссаларини кўрадилар. Қодирийнинг бирор-бир "адабий персонаж" ҳақига хиёнат қилмаганига амин бўламиз. Қодирий кесиш лозим жойда малҳам қўйиш ножоизлигини яхши билади, жарроҳга айланадики, шундан муносиб эм топа олмайсиз. Аслида ҳам "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён"да тасвир этилган ижтимоий, сиёсий, миллий низолар, ахлоқий, маиший муаммолар малҳам қўйиб эмланадиган дардлар эмасди. Шу мезон, шу мантиқ Қодирийни кескин бўлишга мажбур этди. Бошқача яшаш ва ёзишга имони йўл қўймади.

Таассуфки, Қодирий таъқиб этилган, маҳв этилган даврлар имон қатли учун тиғ чархланган замонлар эди. Ўз маслагига содиқ зотларни севмас эди у давр. Бу замонда сотқинлар, ўғрилар, мунофиқу Худодан қайтганлар тил топишуви, апоқ-чапоқ бўлиб кетиши мумкин эди. Илло, бу энг кир ва қора ўтган кунларда имон йўлини тутган Қодирий каби зотларга ўрин йўқ эди. Шу сабаб, буюк Қодирий дунё ва охират саодатини имонидан топганидек, ўз шаҳодатини ҳам имондан топди.



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ФАХР

МАҚСАДИМ — АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД БЎЛИШ

Гулсум ШОДИЕВА

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 31 январь куни пойтахтимизнинг Олимлар кўчасидаги илмий-тадқиқот институтларига ташрифи чоғида олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашди. Учрашувда мен илм-фан борасидаги ўз таклифларимни билдирдим, — дейди Ўзбекистон Миллий университети профессори Аброр Худойбердиев. — Шунда давлатимиз раҳбари: "Шундай кунлар келади, ютуқларинг учун мен сени табриклаб, кўксингга медаллар тақаман", деди. Президентимизнинг биз ёш олимларга билдираётган ишонч ва эътиборидан доимо фахрдаман.

Мазкур йиғилишда Ўзбекистоннинг математика фани бўйича салоҳияти дунё миқёсида тан олингани, функционал таҳлил ва дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва алгебра йўналишларига ихтисослашган нуфузли математикаримиз фаолият кўрсатаётгани, етти нафар математик олим Жаҳон фанлар академияси аъзоси экани алоҳида таъкидланди.

"Математика ҳамма аниқ фанларнинг асосидир. Бу фанни яхши билган бола ақлли, кенг тафаккурли бўлиб ўсади, исталган соҳада муваффақиятли ишлаб кетади", деди давлатимиз раҳбари.

Президентимизнинг бу эътирофидан англанадики, юртимизда Аброр Худойбердиев сингари ёш олимларнинг етишиб чиқаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тўртта йўналиш, яъни математика, кимё, биология ва геология фан соҳаларини ривожлантириш танлаб олинди. Айни пайтда бу фан соҳаларини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда, — дейди ёш олим Аброр Худойбердиев. — Математика деганда, нафақат ҳисоб-китоб, балки боланинг фикрлаш, тафаккур қилиш қобилияти тушунилади. Математик фикрлашга эга бўлган одам кейинчалик бошқа соҳаларда ҳам ўз йўлини топиб кетиши осон бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ёшлари орасида билимли, иқтидорли ва ноёб истеъдод соҳиблари кўп. Айниқса, ўз иқтидор ва тафаккури билан дунёга танилаётган, юксак минбарларда ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётган ёшлар алоҳида эътиборга молик.

Бугун биз ғурур билан тилга олаётган Ўзбекистон математиклар жамияти Ёш олимлар кенгаши раҳбари, АҚШ математиклар жамияти аъзоси, Жаҳон фанлар академияси ёш олимлар секцияси аъзоси Аброр Худойбердиевнинг эришган ютуқлари бунга мисол бўла олади.

Асли бўкалик бўлган ёш олим болалигидан ўткир зеҳнли, теран фикрли иқтидор эгаси эди. У 2001 йили Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультетига давлат гранти асосида ўқишга кирган. Сўнг мазкур университетнинг магистратура босқичини тамомлаган.

Дастлаб Аброр Худойбердиев назарияни амалиёт билан уйғунлаштириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси Математика ва информацион технологиялар институти кичик илмий ходими, сўнгра аспирант сифатида илмий изланишлар олиб борди. 2010 йилда "Градуирланган чекли ўлчовли нильпотент комплекс Лейбниц алгебралари баъзи синфларининг таснифи" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Айни пайтда ЎзМУ Алгебра ва функционал анализ кафедрасида профессор лавозимида ишлаб келмоқда. А.Худойбердиев 2016 йилда "Чекли ўлчамли комплекс Лейбниц алгебраларининг структуравий назарияси ва нильпотент Лейбниц супералгебраларининг таснифи" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ёш олимнинг 80 дан ортиқ илмий ва услубий мақоласи АҚШ, Буюк Британия, Германия, Испания, Хитой, Нидерландия, Малайзия, Сингапур ва бошқа хорижий мамлакатларнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилган. У ўз илмий маърузалари билан Испаниянинг Сантяго де Компостела университети, Севилья университети, Малайзиянинг Путра, Малайзия университетлари, Бразилиянинг Сан-Пауло шаҳри федерал университети илмий семинарларида ҳамда International Congress of Mathematicians, TWAS 25th General Meeting ва TWAS ёш олимлар минтақавий йиғилишларида, Хитой ва Ўрта Осиё давлатларида математикалари биринчи халқаро конференцияси каби халқаро анжуманларда иштирок этди.

Қувонарлиси, А.Худойбердиев 2014 йилда TWAS (The World Academy Sciences —Жаҳон фанлар академияси, Триест, Италия) ёш олимлар кенгаши аъзоси этиб сайланган. 2017 йилда Туркий-забон давлатлар математиклари жамияти томонидан "Энг яхши ёш математик олим" мукофотига сазовор бўлди.

Шунингдек, у АҚШ математиклар жамияти аъзоси ва Ўзбекистон математиклар жамияти Ёш олимлар кенгаши раҳбари ҳисобланади.

29 ёшида профессорлик даражасига эришган ёш олим Аброр Худойбердиевга бугун нафақат юртимизнинг миллионлаб ёшлари, балки кўплаб мамлакатларнинг илм-фанга иштиёқманд инсонлари ҳавас билан қарайди.

— Президентимиз томонидан Математика институтини ривожлантириш бўйича қарор қабул қилиниб, институтга янги замонавий бино қуриб бериш ҳақида кўрсатма ва топшириқлар берилди, — дейди ёш олим. — Ушбу вазифалар асосида бугун бино деярли қуриб битказилди, ҳозир очилиш арафасида турибди. Бир қатор хорижий давлатларда бўлган пайтларимда қачонлардир бизда ҳам шундай шарт-шароитларга эга таълим муассасалари бўлармикан, иш ва ташвишлардан холи ҳолда фақат илм-фан, математика билан шуғулланармиканмиз, деган ўйлар кўнглимдан кечарди. Ҳозир кўз олдимизда катта ўзгаришлар, ислоҳотлар юз беряпти. Ёшларимиз бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, катта ютуқларга эришишлари керак.



Шу ўринда айтишим лозимки, халқаро ташкилотлар ва халқаро жамиятлар билан узвий алоқаларни янада кенгайтиришимиз зарур. Биз шу пайтгача халқаро математиклар жамиятига тўлақонли аъзо эмасмиз. Тўлақонли аъзо бўлиш учун йилига 2 минг АҚШ доллари атрофида бадал пули тўлаш керак бўлади. Йиғилишда шу масала юзасидан таклифимни айтдим. Давлатимиз раҳбари кўрсатма ва топшириқлар берди, қувонарлиси, муаммо ҳал бўлишини билдирди. Биз жамиятга тўлақонли аъзо бўлсак, халқаро конгресс, конференцияларда янаям фаол иштирок этиш имконига эга бўламиз.

Охирги уч йил давомида илм-фан соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш, илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ёшлар саъй-ҳаракатини рўёбга чиқариш каби қатор масалалар юзасидан зарур чоралар кўрилди.

— Бундан буён ҳам илм-маърифат йўлида тинмай изланиб, билим олиш, ўрганишдан тўхтамай, Ал-Хоразмий каби дунё аҳлини ҳайратда қолдирсам, кўзлаган мақсадимга эришган бўлардим, — дейди замондошимиз.

Ҳа, давлатимиз раҳбари айтганидек, шу кунлар келади, юртимизда Аброр Худойбердиев сингари кўплаб олимлар етишиб чиқади. Биз бунга ишонамиз.

Синоатга, эзгулигу ёвузликка, ҳурлигу тутқинликка, маҳорабалар, ғалабаю мағлубиятга гувоҳ бўлмиш буюк тарих синовлари аслида бизни ҳар лаҳза, ҳар он огоҳликка чорлайди. Фақат буни илғашимиз, англашимиз учун санъат ва адабиётдек муҳим воситалар зарур.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 27 март, 46-сон

27-МАРТ — ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ

Наргиза АСАДОВА,
журналист

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида намойиш этилган "Султон Жалолиддин" спектаклини томоша қилдим. Мақсуд Шайхзоданинг мазкур асарига яна бир карра қўл урилди ва у замондошларимиз эътиборига ҳавола этилди.



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

ЎЛМАС АСАРЛАР ҲАМИША, ҲАММА ВАҚТ ЗАРУР

Бош режиссёр Асқар Холмўминов томонидан саҳналаштирилган ҳамда театрнинг истеъдодли актёрлар жамоаси ижро этган мазкур саҳна асарида ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган. Қисқа вақт ичида саҳналаштирилган бўлса-да, декорациялар, либослар, саҳна безаклари устида анча меҳнат қилинган. Айниқса, ҳар бир ҳолат, қаҳрамонларнинг руҳий, эмоционал томонларини очиб беришга, бош ва асосий қаҳрамонларнинг кечинмаларини тўла намоён этишга хизмат қилган мусиқанинг таъсирчанлигини эътироф этиш керак. Тажрибали ёзувчи ва драматург Назар Эшонқул, иқтидорли ёш бастакор Аяп Ўтегенов ва яна кўплаб жонкуяр ижодкорларнинг саъй-ҳаракати боис, мазкур тарихий мавзу яна бир бор саҳна юзини кўрди.

Спектакль жараёнида ўша муҳитга тушгандек, Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ, султон Жалолиддин, унинг оға-инилари, фарзандлари, Туркон хотун билан ёнма-ён яшаётгандек, оқибат ва хиёнат, дўстлик ва сотқинлик, мардлик ва разиллик каби ҳислар қуршовида қолгандек бўласиз. Салбий қаҳрамонлар Чингизхон, унинг ўғиллари ва аъёнлари характеридаги ғанимга хос ёвузлик, чапдастлик жуда таъсирчан ифода этилади.

Синоатга, эзгулигу ёвузликка, ҳурлигу тутқинликка, маҳорабалар, ғалабаю мағлубиятга гувоҳ бўлмиш буюк тарих синовлари аслида бизни ҳар лаҳза, ҳар он огоҳликка чорлайди. Фақат буни илғашимиз, англашимиз учун санъат ва адабиётдек муҳим воситалар зарур.

Асрлар оша келаётган театр санъатининг инсоният тамаддунида ўзига хос катта улуши бор. Ўзбек театр санъати ҳам бу борада тараққиёт йўлига, ибратли ўтмишига эга. Буюк театр намояндалари Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Обид Жалилов, Етим Бобожонов, Муҳиддинқори Ёқубов, Миршоҳид Мироқилов, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева, Замира Ҳидоятова, Наби Раҳимов ва Зикир Муҳаммаджонов сингари дарғалар яратган мактабни бугун издошлар давом эттиряпти.

Санъат ҳамиша халқимизнинг жон томири, кўнгил малҳами бўлиб келган. Суяги меҳнатда қотган бўлса ҳам мусиқа, шеърият кишиларнинг яқин ҳамроҳи бўлган. Халқ оғзаки ижодининг асоси ҳисобланмиш лапар ва яллалар, айтишув, сайил ва томоша кўшиқлари ўзбек театр санъатининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган. Одамлар ҳашар ва йиғинларда жам бўлиб, ана шундай дурдона асарлардан баҳраманд бўлган.

Тарихий манбаларга кўра, Катта Фарғона каналининг қурилишида халқимизнинг неча-неча минг-минглаб ўғлон-қизлари, ака-укалари, ота-оналари, ёру биродарлари ҳашар йўли билан иштирок этган. Ўша даврда ҳашарга чиқмаган одамларга жазо чоралари қўлланган. Ҳатто ҳашарга чиқмаган одамларнинг уйларидан ҳашарга чиққанларга ош-овқат ҳам олиб борилмаган. Ҳашарга чиқмаган одамларнинг ҳовлиларидаги ҳовуз ва ариқларга сув ҳам келмаган. Ҳашарга чиқмаган одамларнинг ҳовлиларидаги дарахтлар ҳам қуриб қолган. Ҳашарга чиқмаган одамларнинг ҳовлиларидаги ҳайвонлар ҳам ем-хашак емаган. Ҳашарга чиқмаган одамларнинг ҳовлиларидаги қушлар ҳам дон-дун емаган. Ҳашарга чиқмаган одамларнинг ҳовлиларидаги мушуклар ҳам сичқон тутмаган. Ҳашарга чиқмаган одамларнинг ҳовлиларидаги итлар ҳам ҳовлини қўриқламаган. Ҳашарга чиқмаган одамларнинг ҳовлиларидаги...